# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

## ЎРТОҚ А. А. ЕЖЕВСКИЙНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

СССР қишлоқ хўжалик министри И. П. Воловченконинг докладидан кейин Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг раиси **А. А. Ежевский** «Комплекс механизациялаш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашнинг энг муҳим воситаси» деган қўшимча доклад қилди.

Сўнгги 10 йил ичида, дейди у, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш, колхоз ва совхозларни замонавий машиналар ва асбоблар билан таъминлаш соҳасида ғоят катта иш қилинди. Бу нарса колхоз ва совхозларда меҳнат унумдорлигини 1,8 баравар ошириш имкониятини берди. Ҳозир қишлоқ хўжалигида (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 2,6 миллион трактор бор. Эндиликда колхоз ва совхозлар ҳар йили 1.300—1.400 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари олиб турибдилар, ваҳоланки 1953 йилда уларга фақат 258 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари етказиб берилган эди.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик техникаси сифат жиҳатдан ғоят ўзгариб кетди. Эндиликда бизнинг саноатимиз 640 дан ортиқ номда машина ва асбоблар ишлаб чиқармоқда, ана шу машина ва асбоблардан фойдаланиш маккажўхори, пахта, қанд лавлаги, картошка ва бошқа шу каби сермеҳнат экинларни парвариш қилиш ҳамда йиғиштириб олишни комплекс механизациялаш имкониятини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги бир қанча энг муҳим тармоқларни комплекс механизациялаш— энди аллақандай олисдаги истиқбол эмас, балки ҳозирги куннинг вазифаси, қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг қудратли воситаларидан биридир.

Ўртоқ Ежевский машиналар комплексидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш натижасида ҳар центнер маҳсулот таннархини ва уни етиштиришга меҳнат сарфларини анча камайтиришга эришилганлигини кўрсатувчи ёрқин мисолларни келтиради. У, техникадан фойдаланишда ажойиб ютуқларга эришиб, бутун мамлакатга донг таратган А. В. Гиталов, Н. Ф. Мануковский, А. И. Романюк ва бошқа кўпгина механизаторларнинг номларини айтиб ўтади. Комплекс механизациялаш вазифаларини ҳал қилар эканмиз, деб таъкидлайди докладчи, биз илғор механизаторларнинг ҳамда комплекс механизация асосида ишлаётган 20 минг звено ва бригаданинг тажрибасигагина таянмай, бутун-бутун хўжаликларнинг практикасига ҳам таянишимиз мумкин.

Ҳисоблар шуни кўрсатиб турибдики, илғор механизаторлар қўлланаётган технология колхоз ва совхозларнинг кўпчилигида жорий қилинса, маккажўхори, лавлаги, пахта ва картошка етиштиришга сарфланаётган меҳнат 730 миллиондан зиёд иш кунига ёки 60 процент камайтирилиши мумкин. Амалда буннинг маъноси шуки, мазкур тармоқларда меҳнат унумдорлигининг ўсиши КПСС Программасида 1970 йил учун белгиланган даражага етказилган бўлур эди.

Бизнинг фикримизча, дейди докладчи, маккажўхори, қанд лавлаги, нўхат, ловия экинларини парвариш қилиш ва йиғиштириб олишни 1966—1967 йилларда, бошоқли дон экинлари, пахта, картошка ва бошқа баъзи экинларни парвариш қилиш ва йиғиштириб олишни 1968 йилда асосан комплекс механизациялашни ҳозирдаёқ вазифа қилиб қўйиш мумкин.

Бунинг учун халқ хўжалиги планида ва хўжаликларнинг саноат-молия планларида комплекс механизацияни жорий қилиш юзасидан ҳар йили конкрет топшириқлар белгилаб қўйиш зарур.

Лекин айни маҳалда қишлоқ хўжалигида ҳали ҳам шундай муҳим тармоқлар ва бир қанча сермеҳнат ишлар борки, зарур машиналар йўқлиги орқасида уларни ҳозирча комплекс механизациялаш қийинлигини таъкидламасдан бўлмайди. Чорвачиликдаги ишларни механизациялаш айниқса кейинда қоляпти. Чорвачиликда ҳозирча фақат айрим технология ишларигина механизациялаштирилган. Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг чорвадорлардан қарзи катта.

Автотрактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги давлат комитети, халқ хўжалиги кенгашлари ва конструкторлик бюролари бу ишда тегишли тартиб ўрнатишлари, ем-хашак тайёрловчи цехлар ва ем-хашак тарқатиш учун ғоят унумли ишлайдиган ускуналарни, қорамол, чўчқачилик ва паррандачилик фермалари учун ускуна комплексларини жуда қисқа муддат ичида яратиб, саноатда ишлаб чиқаришни таъминлашлари керак.

Зоналарнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини комплекс механизациялаштирмоқ учун, дейди А. А. Ежевский, яқин йиллар ичида 200 дан ортиқ номда машиналар яратиш лозим. Саноатнинг, илмий ва конструктор ходимларнинг куч-ғайратлари ана шу машиналарни тезроқ бунёдга келтириб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб юборишга қаратилмоғи керак.

Электрлаштириш — қишлоқ хўжалигини интенсивлаш соҳасидаги тадбирлар орасида салмоқли ўринда туради. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги 1953 йилдагидан қарийб олти баравар кўп электр энергияси истеъмол қилмоқда. Бироқ, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ва, жумладан, чорвачиликда электр энергияси истеъмол қилиш ҳали паст даражада.

Докладчи қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида техникани тараққий эттириш йўллари тўғрисида гапириб, бу нарса КПСС Марказий Комитетининг март (1962 йил) Пленумида пухта баён қилиб берилган, деб эслатиб ўтади. Механизациялаш соҳасида техника тараққиётини авж олдиришдаги асосий йўллар —тракторларнинг қувватини, иш тезликларини ошириш, кенг қамровли техникани жорий қилиш ва машиналарни универсаллаштиришдан иборат.

Ўртоқ Ежевский ана шу планлар қандай амалга оширилаётганини Пленумга маълум қилади. Саноат бир қанча заводларни қувватини оширилган тракторлар ишлаб чиқаришга кўчира бошлади. Кенг қамровли техникани жорий қилиш юзасидан муайян иш қилинди. Бу йил ҳосил ўрим-йиғимида 88 мингдан кўпроқ кенг қамровли жатка ишлатилади. Бу жаткалар тор қамровли 135 минг машинанинг ўрнини босиб, ўрим-йиғим даврида 100 минг тракторни бўшатиб беради.

Айни маҳалда чопиқ қилинадиган экинларни экадиган ва парваришлайдиган, тегишли ишларда меҳнат унумдорлигини бир ярим-икки баравар ошириш имконини берадиган кенг қамровли янги машиналарни саноат ниҳоятда сусткашлик билан ишлаб чиқмоқда ва ўзлаштирмоқда.

Ўртоқ Ежевский оз миқдордаги машиналар билан кўп миқдордаги ишларни қилиш, катта ҳажмдаги ишларни бажариш зарурлигига эътиборни жалб қилади. Бу гапнинг маъноси шуки, битта эмас, балки бир неча ишни бажара оладиган универсал машиналар яратиш йўлига кенг тушиб олмоқ керак. Теплица ва парниклардаги ишларни механизациялаштирадиган машиналар ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини гидропон усулида етиштиришни автоматлаштирадиган ускуна ва воситалар яратиш муҳим вазифа ҳисобланади. Суғориладиган деҳқончиликни муваффақиятли ривожлантирмоқ учун колхоз ва совхозларни мукаммалроқ ва унумлироқ суғориш ускуналари билан таъминлаш зарур. Халқ хўжалигини химиялаштириш программасининг амалга оширилаётганлиги ғоят унумли ишлайдиган ўғит сеялкалари, ерга ўғит сочадиган, вагонлардан ўғит туширадиган машиналар, омбор ускуналари комплектлари ва бошқа техника, ўғит сақлаш учун механизациялаштирилган йирик омборлар барпо этиш, ўғитни «Сельхозтехника» нинг автомобиль транспорти билан колхоз ва совхозларга ўз вақтида етказиб бериш вазифасини қўймоқда.

Ҳисоблар шуни кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги асосий тармоқларни комплекс механизациялашни тугалламоқ учун 1966—1970 йилларда колхоз ва совхозларга икки миллиондан ортиқ трактор ва кўп миқдорда бошқа техника етказиб бериш лозим.

Қишлоқ хўжалигини автомобиль ва трактор прицеплари билан таъминлаш алоҳида эътиборга сазовордир. Шу муносабат билан трактор, автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ошира бориш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалик техникасини унификация қилиш муҳим масала ҳисобланади. Бу ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бир хил ишни бажарадиган машиналарнинг тури ҳаддан ташқари кўпайтириб юборилмоқда. Буларнинг ҳаммаси техникани ремонт қилиш ва ишлатишни, колхоз ва совхозларни техника билан таъминлашни қийинлаштириб қўймоқда. Запас қисмларнинг номлари ҳозирдаёқ 42 мингдан ошиб кетди. Бундай аҳволга энди чидаб бўлмайди.

Ишлаб чиқарилаётган тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг сифатини ошириш, уларнинг хизмат муддатини узайтириш жиддий эътибор беришга арзийдиган масаладир.

1964—1965 йиллардаёқ, дейди сўзини давом эттириб А. А. Ежевский, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш соҳасида каттагина иш қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш зарур. Колхоз ва совхозлардаги қишлоқ хўжалик техникасидан янада яхшироқ фойдаланиш бу вазифани бажаришнинг муҳим шартидир. Трактор агрегатларининг бекор туриши кунига ақалли ярим соат камайтирилса, шунинг ўзи мамлакат миқёсида трактор паркига 70 минг трактор қўшиш билан баравар бўлади.

Сўнгра докладчи «Сельхозтехника» билан колхоз ва совхозлар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларининг янги формасидан кенг фойдаланиш тўғрисида гапиради. Бу форма шундан иборатки, «Сельхозтехника» колхоз ва совхозлардаги бутун машина-трактор паркини комплекс техника хизмати кўрсатиш учун қабул қилиб олмоқда. 1963 йилда «Сельхозтехника» район бирлашмалари 132 минг трактори ва бир миллионга яқин ҳар хил машинаси бўлган 6,5 минг колхоз ва совхозга комплекс техника хизмати кўрсатди.

Бу йил СССР Госплани билан СССР Халқ хўжалиги кенгаши колхозларга, совхозларга ва «Сельхозтехника» маҳаллий бўлимларига машина-трактор паркига техника хизмати кўрсатиш воситаларини анча кўп етказиб бериш имкониятини қидириб топдилар. Бу эса шу йилнинг ўзидаёқ камида 15 минг хўжаликда, 1965 йилда 22—25 минг хўжаликда машина-трактор паркига комплекс техника хизмати кўрсатиш имконини беради. Биринчи галда, иқтисодий камқувват колхозларни комплекс техника хизмати кўрсатишга қабул қилиб олмоқ керак.

Ўртоқ Ежевскийнинг қўшимча докладида қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини яхшироқ ташкил этиш тадбирларига катта эътибор берилди. Ҳукумат қишлоқ хўжалигининг ремонт базасини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарорда 1964—1968 йилларда 347 та завод ва 1.611 та устахона қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилган. Докладчи моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш зарурлигини таъкидлаб, машиналарнинг қисмларини таркана қилиб кетиш ва машиналарни вақтидан илгари ҳисобдан чиқариб ташлаш сингари давлатга зарарли практикага қарши кураш олиб бориш керак, деди.

Меҳнатга ҳақ тўлашда амалдаги тартибга қатъиян риоя қилиш, юқори ҳосил олган ва чорва маҳсулдорлигини оширган, техникадан яхши фойдаланган ва уни авайлаб асраган кишиларни мукофотлаш юзасидан белгилаб қўйилган системани қўлланиш чораларини кўрмоқ керак.

Ўртоқ Ежевский кўкламги экишга техникани тайёрлаш қандай бораётганлигини Пленумга маълум қилади.

Биз, дейди у пировардида, техникадан фойдаланишни тўғри ташкил этишда, ремонт ишларида, илғор тажрибани жорий қилишда, ишлаб чиқаришга зарур ҳамма нарсалар билан хўжаликларни таъминлаб туришда колхоз ва совхозларга ўз ёрдамимизни бутун чоралар билан кенгайтиришни энг муҳим вазифамиз, деб ҳисоблаймиз. Бу билан қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

## ЎРТОҚ Л. И. МАКСИМОВНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Россия Федерацияси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри **Л. И. Максимов** ўзининг қўшимча докладида бундай дейди: Партиямиз, унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш юзасидан партия XXII съезди қабул қилган Программани изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Партия халқнинг куч-ғайратларини, битмас-туганмас ресурсларимизни коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишдан иборат асосий иқтисодий вазифани ҳал этишга сафарбар қилмоқда.

Партия қишлоқ хўжалигига алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Сўнгги ўн йил ичида амалга оширилган катта-катта тадбирлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва бундай маҳсулотларни давлат йўли билан харид қилишни анча кўпайтиришга имкон берди. 1962 йилда Россия Федерациясида 5,4 миллиард пуд ёки 1953 йилдагидан 1,8 баравар кўп дон етиштирилди. Ғоят ноқулай келган ўтган йили республиканинг колхоз ва совхозлари давлатга 1 миллиард 710 миллион пуд дон, тирик вазнда 5,4 миллион тонна гўшт, 16,3 миллион тонна сут сотдилар. Краснодар ва Ставрополь ўлкаларининг, Саратов области ҳамда бошқа бир қанча область ва автоном республикаларнинг меҳнаткашлари давлатга дон сотиш планларини анча ортиғи билан бажариб, ғалла учун курашда юксак даражада уюшқоқлик кўрсатдилар.

Эндиликда биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тағин ҳам тезроқ юксалтира оламиз ва юксалтиришимиз керак, дейди сўзини давом эттириб нотиқ. Бутун совет халқи қатори Россия Федерациясининг меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини бениҳоя баланд руҳ билан кутиб олдилар. Қишлоқ хўжалигининг химиялаштирилиши деҳқончиликда чинакам революция бўлади, уни интенсивлашга олиб борувчи энг тўғри йўлни очиб беради, моддий неъматлар хазинасининг калитини қўлимизга бериб қўяди. РСФСР қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кўп миқдорда минерал ўғитлар олинишини ва бу ўғитлардан оқилона фойдаланишни, деҳқончилик маданиятини оширишни назарда тутиб, деб сўзини давом эттиради ўртоқ Максимов, ялпи дон ҳосилини 1970 йилда 8,6—9,0 миллиард пудга етказишни мўлжаллаб қўйдик. Минерал ўғитлар, биринчи галда, энг кўп самара берадиган зоналарга юборилади. Деҳқончилик маданиятини ошириш, ерларни яхшироқ ишлаш, далаларни ўт босиб кетишига ва тупроқнинг шамол таъсиридан нурашига қарши кураш соҳасида ҳам катта иш қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми дон етиштиришни шу йилнинг ўзидаёқ анча кўпайтиришни талаб қилди, деб уқтиради ўртоқ Максимов. РСФСРда ялпи дон ҳосилини 5 миллиард 700 миллион-5 миллиард 900 миллион пудга етказиш мўлжалланмоқда.

Бу вазифа қайси йўллар билан амалга оширилади? Биринчидан, дейди ўртоқ Максимов, минерал ўғитлар солиш туфайли биз қарийб 300 миллион пуд қўшимча дон олишни кўзлаяпмиз. Иккинчидан, кузги дон экинлари ҳосили анча кўпаяди, чунки 1964 йил ҳосили учун 1963 йилда ҳосили йиғиштириб олинган майдонга нисбатан қарийб 7 миллион гектар кўп кузги дон экканмиз. Учинчидан, шоли, маккажўхори, буғдойнинг суғориладиган ерларга кўп экилиши дон етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резерви бўлади. Бу йил республикада кўкламги экинлар учун ўтган йилдагидан 5 миллион гектар кўп шудгор қилинди. Бу ҳам ҳосилга ҳосил қўшиши шак-шубҳасиздир.

Ҳозир энг муҳим вазифа — кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўришдан иборат. Россия Федерациясининг совхоз ва колхозларидаги механизаторлар бу йил машина-трактор парки ремонтини анча тез суръатлар билан олиб бормоқдалар.

Деҳқончиликни интенсивлаш ҳар қайси зонанинг конкрет шароитлари ва хусусиятларини назарга олиб, энг серҳосил экинларни кўпроқ экишни кўзда тутади, дейди қўшимча докладчи. Биз экин майдонлари структурасини бундан буён ҳам такомиллаштириб, буни дон ва бошқа экинлар ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг энг муҳим резерви деб ҳисоблаймиз. Буғдой етиштириш айниқса кескин кўпайтирилади. 1962 йилдагига нисбатан 1964 йилда буғдой бир ярим миллион гектар кўп экилиб, 41,5 миллион гектар ерни эгаллайди. Дуккакли дон экинлари ва крупабоп экинлар экиш кенгайтирилади. 1964 йилда чорва молларни ем-хашак билан таъминлаш учун республикада қарийб 15 миллион гектар ерга дон ва силос олиш мақсадида маккажўхори экилади.

Ўртоқ Максимов чорвачилик масалаларига тўхталиб, бу тармоқни юксалтириш суръатлари ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас, дейди. Биз ўзимизнинг амалий ишимизда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг кўрсатмаларига амал қилмоқдамиз. Ўртоқ Н. С. Хрушчев айтган эдики, ем-хашак етиштириш масаласи — чорвачиликни ривожлантиришда, чорва моллар туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини оширишда энг асосий масала бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қола беради. Чорва молларни ем-хашак билан тўлиқ таъминлаш асосида чорва маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтирган ҳамда ҳайдаладиган ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига (сўйилган вазнда) юз центнер, бундан ҳам кўпроқ гўшт олиб келаётган хўжаликлар республикада оз эмас. Чорвачилик ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва тармоқларни марказлаштириш йўлидан ривожлантириб борилади. Туёқлар оз бўлгани ҳолда чорвачиликни интенсив бошқариш йўли билан кўпроқ маҳсулот бериш вазифаси қўйилмоқда.

Сўнгра ўртоқ Максимов қишлоқ хўжалигини механизациялаш масалаларига тўхталиб ўтади. Жумладан, у колхоз ва совхозлар ҳали техникадан яхши фойдаланмаяптилар ва техникани авайлаб асрамаяптилар, дейди. Капитал маблағлардан тўғри фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу йил Россия федерацияси қишлоқ хўжалигига давлат йўли билан уч миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфланади. Бу— 1963 йилда ўзлаштирилган маблағлардан 37 процент кўпдир. Бундан ташқари, республика колхозларида тахминан 2,5 миллиард сўм капитал маблағ сарфланади.

Ўртоқ Максимов ленинчи Марказий Комитетни, ўртоқ Н. С. Хрушчевни ишонтириб айтадики, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари республика олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажарадилар ҳамда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 11 февралда ўз ишини давом эттирди. (ТАСС).

## ЎРТОҚ Е. Е. АЛЕКСЕЕВСКИЙНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

СССР Суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитетининг раиси **Е. Е. Алексеевский** кечқурунги мажлисда қўшимча доклад қилди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми, деди у, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш тўғрисидаги бениҳоя муҳим масалани муҳокама қилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришимизнинг замини мустаҳкам бўлмоғи керак. Йил ҳар қандай келганида, ҳатто об-ҳаво шароити ноқулай бўлганида ҳам, зарур миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олишни гарантиялаб қўйиш лозим. Худди мана шунинг учун ҳам суғориладиган деҳқончилик — нами барқарор ва етарли бўлмаган районларда деҳқончиликни интенсивлашнинг энг ишончли ва энг таъсирчан йўли ҳисобланади.

Бизнинг мамлакатимиз суғориладиган ерларнинг ғоят катта фондига эга. Партиямиз В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, ирригация қурилиши соҳасида катта ишлар қилди. СССРда суғориладиган ерлар майдони 9,5 миллион гектарга етказилди. Сўнгги ўн йил ичида ирригация қурилишига 2 миллиард 874 миллион сўм, яъни шундан аввалги 35 йилнинг ҳаммасидагидан қарийб 1,5 баравар кўп пул сарфланди.

Суғориладиган ерлар мамлакатимиз экономикасида муҳим рсль ўйнамоқда, деб таъкидлайди ўртоқ Алексеевский. Масалан, пахтанинг ҳаммаси нуқул суғориладиган ерлардан олинмоқда. Мамлакатимиз пахтакорлари етти йилликнинг бешинчи йилида катта-катта ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатимиз ҳали ҳеч қачон 1963 йилда етиштирилганидек мўл пахта олмаган эди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети пахтакорларнинг меҳнатдаги ғалабасига юксак баҳо бердилар.

Москва, Ленинград, Донбасс, Урал, Днепрбўйи ва бошқа йирик саноат марказларини сабзавот билан таъминлашда суғориладиган ерларнинг аҳамияти катта.

Суғориладиган ерлар — Ватанимизнинг улкан бойлиги, олтин фонди. Модомики шундай экан, мамлакатдаги ҳамма суғориладиган ерларнинг қарийб ярмидан ҳозирча унумсиз фойдаланиб келинаётганлигига, бу ерлар суғориладиган деҳқончилик бера оладиган ва бериши лозим бўлган даромадга нисбатан анча кам даромад бераётганлигига ортиқ чидаб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигининг ана шу мураккаб, ғоят интенсив тармоғи ишнинг кўзини билиб, омилкорлик билан малакали раҳбарлик қилишни талаб қилади. Энг муҳим вазифа шуки, суғориладиган деҳқончиликка раҳбарлик савиясини ошириб, мавжуд суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги катта-катта камчиликларга барҳам бермоқ керак. Суғориладиган ерлардан фойдаланишдаги эгасизликка батамом чек қўйиш зарур. Суғориладиган ерларнинг ҳаммаси алмашлаб экишнинг бутун бир даври тамом бўлгунча бригадалар ёки звеноларга бириктиб қўйилиши лозим, токи колхозчилар суғориш участкаларининг тупроқ шароитларини ва паст-баландлигини яхши ўрганиб, суғориш техникасини ўзлаштириб олсинлар. Бригада (звено) учун моддий манфаатдорликнинг шундай тартиби белгилаб қўйилиши керакки, суғориладиган деҳқончилик соҳасида ишлаётган меҳнаткашлар ўз фаровонликлари суғориладиган ерлардаги иш натижалари билан бевосита боғлиқ эканлигини билсинлар.

Сўнгра, ўртоқ Алексеевский айтадики, Н. С. Хрушчевнинг Шимолий Кавказ қишлоқ хўжалик ходимларининг 1963 йил сентябрь ойидаги кенгашида сўзлаган нутқида суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш учун ғоят катта имкониятлар борлиги очиб берилди. Ҳозирги вақтда 2,6—2,8 миллион гектар суғориладиган ерга дон экинлари экиш мумкин. Мутахассисларнинг қилган ҳисоб-китоблари буни тасдиқлаб турибди. Дон экинлари ҳосилдорлиги илғор хўжаликларда олинаётган даражага етказилса, ялпи ҳосил 950 миллион пуд кўпаяди.

Бундан ташқари, яқин йиллар ичида янги ирригация иншоотлари қуриш йўли билан яна 2 миллион 800 минг гектар ерни дон экинлари етиштириш учун ўзлаштирмоқ керак. Бу нарса суғориладиган ерлардан олинаётган жами дон ҳосилини 2 миллиард 150 миллион пудга етказиш имконини беради.

Колхоз ва совхозлар экин майдонлари структурасини ҳозирдаёқ қайтадан қараб чиқиб, 1964 йилда суғориладиган ерлардан 2.703 минг гектарига донли экинлар экишни мўлжаллаб қўйдилар. Бу, ўтган йилдагидан 759 минг гектар кўпдир.

Суғориладиган деҳқончилик билан шуғулланиб келган ташкилотларнинг структураси ишлаб чиқариш характерига эга бўлмай, маҳкамачилик характерига эга бўлганлиги агрономлар билан гидротехникларнинг тарқоқ ҳолда ишлашига жиддий сабаб бўлган эди. Бунга барҳам бериш мақсадида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитетини туздилар. Шу чоққача бўлганидек хўжаликларга сув бериб турилиши учунгина эмас, балки сувдан тўғри фойдаланилиши, суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалигини ташкил этишдаги ҳамма ишлар учун бутун жавобгарлик тўла равишда комитет ва унинг маҳаллий органлари зиммасига юклатилди. Ҳозир катта-катта суғориладиган ерлари бўлган ишлаб чиқариш бошқармалари «Госземводхоз» системасига олиб берилмоқда. Республика, ўлка ва область органларини тузиш тугалланмоқда, бу органлар ҳосил учун курашда ҳам агрономларнинг, ҳам ирригаторларнинг куч-ғайратларини бирлаштиради.

Бизнинг ҳисобларимизга кўра, яқин йиллар ичида дон, пахта, сабзавот, мева ва узум, ем-хашак ва техника экинлари ҳамда бошқа экинлар етиштиришни кўпайтирмоқ учун қарийб 5 миллион гектар ерни сув билан таъминламоқ керак.

Мамлакатдаги қурғоқчил ва дашт районларни қайта ўзлаштиришнинг улуғвор программаси ҳозирдаёқ амалга оширила бошлади. Ҳозирги вақтда Мирзачўлда, Қорақум канали зонасида, Шимолий Кавказ ва Поволжье районларида, Шимолий Қрим канали зонасида, Сирдарёнинг қуйи оқимида катта-катта ер массивларини сув билан таъминлаш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишлар кенг авж олдириб юборилди. Қўриқ ўлкада узунлиги 500 километрга борадиган Иртиш-Қарағанда канали кавланмоқда.

Сўнгра нотиқ суғориладиган деҳқончиликни ва сув хўжалигини такомиллаштириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтади. Қурилаётган иншоотларнинг асосий нуқсони шуки, дейди у, бу иншоотлар одатда экинларни қўлда суғоришга мўлжалланган. Ҳозир техника соҳасидаги олимлар техника жиҳатидан энг мукаммал ирригация системасининг лойиҳасини яратиш устида катта иш олиб бормоқдалар. Бундай система ер тагига кўмилган қаттиқ босимли қувурлардан иборат бўлиб, каттагина пайкалларга сунъий ёмғир ёғдирадиган гидрантлар ва мосламалар билан ҳамда экинларни суғорадиган бошқа машиналар билан жиҳозлантирилади.

Суғориладиган деҳқончилик районларида, дейди нотиқ, ҳар хил даражада шўр босган 3 миллион гектаргача ер бор. Ғоят эҳтиёткорлик билан қилинган ҳисобларга кўра, дренажлар қуриб, суғориладиган ерлар шўрдан тозаланса, гектар бошига пахта ҳосилини 3—5 центнер кўпайтириш мумкин. Ерларни шўрдан тозалаш учун кураш, —деб таъкидлайди ўртоқ Алексеевский, — ғоят зарур вазифадир.

Ҳозир гидротехник — мамлакатда жуда танқис касб бўлиб қолди. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги суғориладиган деҳқончилик ва ирригация қурилиши учун мутахассислар тайёрлаб беришни жадаллаштириш чораларини кўрмоқлари керак. Биз бундай кадрларни совхозлар ва йирик ирригация қурилишлари базасида тайёрлаш маъқулроқ, деган таклифни астойдил қўллаб-қувватлаймиз.

Суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги меҳнаткашлари, дейди ўртоқ Алексеевский, партия ўзларини коммунистик маъмурчилик учун курашнинг олдинги сафига қўйганлигини англаб турибдилар. Биз партия қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга ўзимизнинг бутун куч-қувватимизни ва билимларимизни сарфлаймиз.

**Шу кунларда ҳар бир коллектив КПСС Марказий Комитетининг Пленумидан руҳланиб, баракали ишламоқда. Тошкентдаги авто-ремонт заводи механика цехининг ишчиси С. Боймирзаев (ўнгда) ана шундай коллектив аъзоларидан биридир. У кундалик топшириқларини муттасил ошириб бажармоқда. 153-қурилиш трестининг илғор пайвандловчиси Г. Салимов (чапда) пойтахтимизда қурилаётган панорама кинотеатри қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.**

**М. КОМЛЕВ ва А. ТУРАЕВ фотолари.**





# ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ!

**(Боши биринчи бетда).**

100 минг сўмлик қурилиш ишлари ҳажми учун 250 кубометр йиғма темир-бетон қўлланиш таъминланади.

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг коллективлари йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 26 декабрда бажарадилар ва планга қўшимча равишда 1355 минг сўмлик ялпи маҳсулот тайёрлайдилар. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 1 процент ошириб бажарилади.

Планга қўшимча равишда 14 минг тонна цемент, 21 минг тонна оҳак тош, 250 минг дона шартли плита шифер, 10 шартли километр асбоцемент қувурлар, 500 тонна қурилиш гипси, 5 минг квадрат метр гипс тўсиғи, 500 квадрат метр метлах плиткалар, 10 минг квадрат метр дераза ойнаси тайёрланади.

1963 йилдагига нисбатан йиғма темир-бетон 100 минг кубометр, шу жумладан арматураси тарангланган темир-бетон 34 минг кубометр кўп тайёрланади. 1964 йилда ўтган йилдагига нисбатан 200 минг кубометр кўп норуда бўлмаган материаллар. 14,5 минг тонна металл конструкциялар тайёрланади ва 2350 тонна металл тежалади.

Янги маҳсулотларнинг 20 турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу жумладан гипс заводида гипс-бетон девор панеллари, Бекобод цемент комбинатида «700» маркали цемент, шунингдек 12 метрли колонналарга мўлжалланган арматураси тарангланган темир-бетон фермалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Бу фермалар пролёти 24 метрли бўлиб, 12 ва 24 метрли параллель белбоғли пролётлар билан тайёрланади. 12 метрли колоннага мўлжалланган пролёти 24 метр бўлган сегмент фермалар ҳамда йирик ҳажмли плиталарни узлуксиз агрегат усули билан ишлаб чиқариш ташкил этилади. Тошкент области аҳолисига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 36 километр узунликдаги водопровод тармоқлари, 14 километр узунликдаги канализация коллекторлари ва 21 километр канализация тармоқлари муддатидан илгари қуриб битказилади. 1,5 миллион сўм капитал маблағ муддатидан илгари ўзлаштирилади ҳамда кўчаларда 104 километр узунликда газ тармоқлари қурилади.

Уй-жой фондини капитал ремонт қилиш бўйича йиллик иш ҳажми 15 декабрда бажарилади.

### ТЕМИР ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА АЛОҚА БЎЙИЧА

Тошкент бўлинмасининг темир йўлчилари ҳаракатдаги составлардан фойдаланишни янада яхшилаш, прогрессив технологияни ва илғор тажрибани жорий этиш туфайли юк ташиш давлат планини муддатидан илгари —25 декабрда бажариш мажбуриятини олдилар. Пландан ташқари 100 минг тонна халқ хўжалиги юклари ортиб жўнатилади. Юк поездининг ўртача оғирлиги топшириқда белгиланганидан икки тонна ортиқ бўлади. Юк ортиб кетаётган тепловозларнинг бир кеча-кундуздаги ўртача тезлиги 2 километр кўпайтирилади ҳамда тепловозларнинг унумдорлиги плани 0,5 процент ортиғи билан бажарилади.

Вагонлар обороти топшириқда белгиланганига нисбатан 0,1 соат жадаллаштирилади, юк ташишда пландагидан ташқари 150 минг сўм даромад олинади.

Автомобилчилар пландан ташқари 200 минг тонна юкни ташиб бериш мажбуриятини оладилар. Автомобилларда юк ташиш бўйича меҳнат унумдорлиги пландагига қараганда 1 процент ортиқ бўлади.

Автомобилда юк ташиш планини ошириб бажариш ҳамда юк ташиш таннархини арзонлаштириш ҳисобига пландан ташқари 170 минг сўм миқдорида жамғарма олинади.

Юк автомашиналари паркидан фойдаланиш коэффициентини 0,66-0,67 автобуслар паркидан фойдаланишни 0,70-0,74, прицеплар бўйича эса 0,70 процентга етказиш мўлжалланади. Область алоқачилари алоқа тармоқларини янада ривожлантириш планини муддатидан илгари — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини оладилар.

Тошкент областининг меҳнаткашлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1962 йил) ва декабрь (1963 йил) Пленумлари қарорларини бажара бориб ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун курашиб, етти йиллик планни муваффақиятли бажарадилар, янги зафарларга эришадилар ва бу билан мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Биз, Тошкент областининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари етти йилликнинг олтинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан Минск областининг меҳнаткашларини социалистик мусобақага чақирамиз.

**Социалистик мажбурият Тошкент шаҳри ва Тошкент областидаги саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ташкилотлари ва корхоналари ходимларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

